



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР

press



www.hamkorpress.uz



t.me/hamkorpress_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 29 июль. 14 (393)-сон

hamkor.press@mail.ru



Хурсандбек Араббоев олган сурат.

ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

“Hamkorbank”нинг 30 йиллиги олдидан жойларда банкнинг фахрий ходимлари билан учрашувлар ташкил қилинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Нодирабегим филиалида бўлиб ўтди.

"НОДИРАБЕГИМ"ДА УЧРАШУВ



Унда “Hamkorbank” тизимида 26 йилдан буён ишлаб келаётган тажрибали ходим, ҳозирда Банк кенгаши корпоратив бошқарув аппарати Кенгаш тафтиш комиссияси раиси Маъруфжон Расулов иштирок этди. Учрашув меҳмони ўз тажрибаларини ўртоқлашиш билан бирга, банк тарихи, жумладан, Нодирабегим филиалининг ташкил қилинишига тўхталиб ўтди. “Hamkorbank”нинг босиб ўтган йўли, ўз вақтида юзага келган қийинчиликлар, муаммолар ҳақида сўз юритди.

Катта ҳаётий тажрибага эга инсон сифатида ҳозирги ривожланиш, шарт-шароит, ютуқлар ўз-ўзидан ҳосил бўлиб қолмагани, унинг ортида қанча меҳнат ва машаққатлар бўлганини айтиб, ёш ходимлар шу имкониятларнинг қадрига етиши зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Шу каби маънавий-маърифий учрашувлар Хўжаобод, Истиқбол, Юксалиш ҳамда Наманган минтақавий филиалларида ҳам ўтказилди.

Н. ТЎХТАМАТОВА.

Бу сонга:



4-б. АСАКАДА
25 ЙИЛ

“НАМКОРБАНК”ДАН
ТЎРТ ЁШ КИЧИК
МУТАХАССИС
БИЛАН СУҲБАТ

5-б.

“НАМКОРБАНК”
30
ёшда



6-б.

Бахши

8-б.

БОҒЧАДАН
ҚОЧГАН РАҲБАР



7-б.

БОЛАНГИЗ
МАКТАБГА
ТАЙЁРМИ?

*** Маҳаллий экспортчилар-
га хориждан маҳсулот олиб,
импорт қилмасдан учинчи
давлатга тўғридан тўғри
сотишга рухсат берилади**

Ҳукумат қарорига асосан хорижий хомашё ва материалларни божхонада расмийлаштириш талабларини соддалаштириш мақсадида:


— божхона режими талабида хорижий буюртмачи мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам қайта ишлаш операцияларига рухсат берилади;

— тадбиркорлик субъектига четдан хомашё сотиб олиб, уларни республика ҳудудида божхона тўловлари тўламаган ҳолда қайта ишлагандан сўнг исталган хорижий ҳамкорига сотиш имконини берадиган олиб чиқиш, олиб кириш, сотиш ва сотиб олиш бўйича янги турдаги ташқи савдо контрактлари амалиётга киритилади.

*** Ер участкаларини
хусусий секторга мулк
ҳуқуқи билан бериш
тартиби кучга киради**

Президент фармонига асосан ер участкалари хусусий секторга — мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат ташкилотларига — доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

Ҳокимлар ва маҳаллий кенгашларнинг ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасаруф қилиш, суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ёки бошқа ер тоифасига, суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа ер тоифасига ўтказиш ва улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи



бекор қилинади.

Шунингдек, фармонга асосан Вазирлар Маҳкамаси истисно тариқасида, айрим ҳолларда ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага беришга ҳақли бўлади.

*** Хизмат автотранспорт воситалари уларнинг раҳбарларига шахсан бириктирилади**

Ҳукумат қарори билан хизмат автотранспорт воситалари:

— республика давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида раҳбарлар ҳамда уларнинг ўринбосарларига;

— республика давлат бошқаруви органлари тизимидаги ташкилотларда ҳамда уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаларида биринчи раҳбарларга шахсан бириктирилади.

Республика давлат бошқаруви органларида хизмат мақсадларида давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аутсорсинг шартлари асосида автобус, такси ва бошқа автотранспорт

воситалари хизматларидан фойдаланиш тизими жорий этилади.

Бундан ташқари, янги типдаги давлат рақами белгилари билан қайта рўйхатдан ўтказилмаган хизмат автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади.

*** Ҳудудлардаги нодавлат таълим ташкилотларининг бинони ижарага олиш харажатларининг бир қисми қоплаб берилади**

Президент қарорига асосан 2024 йил 1 январга қадар нодавлат таълим ташкилотлари томонидан таълим жараёнида фойдаланиладиган бино ва иншоотлар ижара тўлови харажатларининг 50 фоизгача миқдорда давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

*** Давлат харидлари соҳасида ўтказиладиган тендер натижаларини мажбурий тарзда очиқ эълон қилиш йўлга қўйилади**

Шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш

мақсадида давлат харидлари соҳасида ўтказиладиган тендер (танлаш) натижаларини мажбурий тарзда очиқ эълон қилиш амалиёти жорий этилади.

*** Чиқиш туризми бўйича айрим лицензия талаблари жорий этилади**

Чиқиш туризми йўналиши бўйича туроператор ва турагент фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги лицензия талаблари жорий этилади:

— туроператорларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни тасдиқловчи суғурта полисининг мавжудлиги;

— 15 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида Хавфсиз туризм жамғармасига захира қилиб қўйиш;

— барча давлат божлари, йиғимлар, жарималар ва бошқа мажбурий тўловларни онлайн режимда тўлаш имконияти тақдим этилади.

Шунингдек:

Ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш учун ҳужжатларни ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш учун барча тегишли ҳужжатларни ЯИДХП орқали ҳам тақдим этиш имконияти яратилади.

Ҳомиладор аёлларни комплекс кузатиш бўйича ягона тизим жорий этилади.

Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими жорий қилинади.

Давлат суд-экспертизаси муассасаларининг фойдаланилмайдиган бинолари суд экспертлик билан шуғулланадиган хусусий шерикларга ижарага берилади.

Антарктидадаги Шеклтон музлиги ёнидаги чўл сайёрамизда бирор-бир ўсимлик ёки жонзот изларидан мосуво бўлган энг қуруқ жой ҳисобланади.

**САЙЁРАМИЗДА УМУМАН ҲАЁТ ЙЎҚ
БЎЛГАН ЖОЙ АНИҚЛАНДИ**



Биология доктори Ной Фирер бошчилигидаги микробиологлар айнан шу

чўл Ерда ҳаттоки, бирор-бир микроорганизм ҳам учрамайдиган жой эканини аниқлашди.

Олимлар бу ерда ўзининг бардошлилиги билан ажралиб турувчи микроорганизмлар ҳам яшай олмаслигининг уч омилини топишган. Булар:

кучли совуқ, шўрланган ҳаво ҳамда ернинг ўта қуруқлиги.

Музлик бағрида олинган 200 та тупроқ намунасининг таҳлил натижаларига кўра, уларда энг содда организмларни ҳам топишнинг иложи бўлмаган.



**ОЛАМДА
НИМА
ГАП?**

РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Статистикага кўра, энг кўп маош молиячилар, энг ками эса шифокорлар ва ижтимоий соҳа вакиллари тўғри келади. Ҳудудлар кесимида энг юқори маош олувчилар Тошкент шаҳрида яшайди.

КИМ ҚАНЧА МАОШ ОЛМОҚДА?

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи таркибига қўшимча тўловлар, мукофот пуллари, рағбатлантирувчи тўловлар, компенсация ва ишламаган вақти учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва касаба уюшмасига ажратмалар киради.

Статқўм таҳлиллари ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори даражаси молиявий ва суғурта иқтисодий фаолиятида 7 млн. 111 минг сўм ёки республика кўрсаткичидан 2,4 баробар юқори эканлигини кўрсатди.

Энг кам маош эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш фаолиятида 2 млн. 49 минг сўм ёки республика ўртача ойлик иш ҳақидан 69 фоизга кам эканлиги кузатилди.



Иқтисодий фаолият турлари бўйича молиявий ва суғурта фаолиятида ўртача иш ҳақи кўрсаткичи республиканинг барча ҳудудларида юқори эканлиги кузатилди. Кўпгина ҳудудларда ойлик иш ҳақининг пастроқ даражаси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш фаолиятида кузатилди.

Шунингдек, рақамлар ўртача иш ҳақининг энг юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрига (24,5 фоиз), энг паст ўсиш эса Андижон вилоятига (8 фоиз) тўғри келишини кўрсатади.

Ватикан тарихда биринчи марта ўз мулкига оид маълумотларни эълон қилди. Шаҳар - Италия давлати ва ундан ташқарида 5 мингдан ортиқ кўчмас мулк объектларига эгалик қилади.

ВАТИКАННИНГ МУЛКЛАРИ ОШКОР ҚИЛИНДИ

Ошкор қилинган ҳужжатга кўра, Ватикан Италияда 4051 та мулкка, чет элда эса тахминан, 1120 та мулкка эгалик қилади. Бунда Ватиканнинг бутун дунёдаги элчихоналари ҳисобга олинмаган.

Шу билан бирга, Ватиканнинг Италиядаги мол-мулкнинг атиги 14 фоизигина бозор нархларида, қолган қисми чегирмали нархларда ижарага

берилган, уларнинг аксарияти черков хизматчиларига берилган.

Қайд этилишича, Ватикан мулкнинг, тахминан, 40 фоизини институционал бинолар — мактаблар, монастырлар ва шифохоналар ташкил этади. Бундан ташқари, APSA Лондон, Женева, Лозанна ва Париждаги муҳим жойларда инвестиция мулкларига эга.



МАЪНАВИЯТ

“Намкорбанк” АТБ-да ходимларни мунтазам ўқитиш, касбий маҳоратларини ошириш ҳамда маънавиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳар ойда уч йўналишда-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий машғулотлар мунтазам ўтказиб борилади.

НАФС ТАРБИЯСИ

Яқинда видеоконференция тарзида ўтказилган навбатдаги маънавият машғулоти “Нафс тарбияси-саодат калити ёки исломда соғлом турмуш масалалари” мавзусига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Муслмонлари идораси Андижон вилояти бўлими раҳбари, вилоят бош имом-хатиби Мирзамақсуд қори Алимов ҳамда Банк Бошқаруви раиси Бахтиёржон Жўраев иштирок этди. М.Алимов ўз маърузасида ақл-заковат тимсоли бўлган инсоннинг нафс қулига айланмаслиги ва уни жиловлаш борасидаги қарашлари билан ўртоқлашди. Шунингдек, исломда соғлом турмуш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлардаги филиалларнинг икки мингга яқин ходими ушбу видеоконференцияни кузатиш имконига эга бўлдилар. Мавзу доирасидаги саволларга Мирзамақсуд қори Алимовнинг жавоблари тингланди.

Р. МУХТОРОВ.

Давлат томонидан оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар жорий қилинган. Аммо баъзи ҳолларда жойларда кредитларнинг ажратилмаслиги ёки кредит бўйича турли тушунмовчиликлар юзага келаётгани бор гап. Ҳўш, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар кредитларни қандай олиш мумкин?


Марказий банкнинг Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш департаменти директори Актам Сайфуллаевнинг таъкидлашича, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар жисмоний шахсларга ўзини ўзи банд қилиш ва тадбиркорлик субъектларига турли хилдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, хунармандчилик, косибчилик, умуман олганда, амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган кичик ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадларига ажратилади. Одатда, мазкур дастурлар доирасида имтиёзли кредитлар Марказий банкнинг асосий ставкасида, 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилди.

Шу билан бирга, айрим турдаги фаолиятни ташкил этиш учун тадбиркорнинг бизнес режаси, даромадлилик даражаси ва кредитларни қайтариш имкониятидан келиб чиққан ҳолда кредитлар ажратилади. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратилмасдан, рад этилишининг қатор омиллари ҳам белгиланган. Биринчи навбатда, илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш керак. Кредит алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо-воситачиликни амалга ошириш, умумий овқатланиш ташкилотларининг айланма маблағларини шакллантириш, ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олиш, енгил автотранспорт воситалари сотиб олиш, маъмурий харажатларни тўлаш, бино ва иншоотлар сотиб олиш ва қуриш учун ажратилмайди. Бироқ, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида айрим ҳолларда бино ва иншоотлар сотиб олиш ва қуриш мақсадларига истисно тарзида кредитлар берилиши мумкин.

Ўтган йиллардаги тажриба ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фуқаро ўзини ўзи банд қилиш лойиҳаси учун, айтилиқ, тикувчилик учун 10 млн. сўм,

қуёнчилик ва асаларичилик учун 8 млн. сўм етарли бўлса-да, “олиш мумкин-ку” деган мазмунда иш тутиб, максимал сумма — 30-36 млн. сўмга ариза бермоқда. Бу эса айрим фуқаролар кредит олишдан олдин аниқ ҳисоб-китоб қилмасдан, амалга оширишни мўлжаллаган фаолияти учун зарур суммани асослантормасдан, кредит олишга уринаётганидан далолат беради. Шу боис дастур координаторлари томо-

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК КРЕДИТЛАРИ ҚАНДАЙ АЖРАТИЛАДИ?



нидан ҳудудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларига лойиҳаларни чуқур таҳлил қилган ҳолда зарур миқдорда кредитлар ажратилиши ва керагидан ортиқча кредит ажратилишига йўл қўйилмаслиги юзасидан қатъий чоралар кўриш борасида кўрсатма берилган.

Шу ўринда кўпчиликни яна бир масала қизиқтиради. Қачон нақд пул олиш мумкин? Қарз олувчи — жисмоний шахсларнинг молиялаштирилаётган лойиҳаларининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, кредит ҳисобига олинadиган товарни пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш имконияти бўлмаганда микрокредитнинг 5 млн. сўмгача бўлган қисми нақд пулда берилиши мумкин. Фақат нақд пулдаги кредитлар туман (шаҳар) марказларининг бу ҳақдаги хулосасига асосан, масалан, касаначилик, хунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу кабилар учун

зарурий хомашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш моллари сотиб олишлари учун ажратилади.

Шу билан бирга, ўз кучи билан иссиқхона ташкил этиш, таъмирлаш, қуриш ва бошқа турдаги кичик ҳажмли ишларни бажариш кўникмасига эга бўлган қарз олувчиларга ушбу мақсадларни амалга оширишлари учун кредитнинг бир қисми керакли хомашё ва маҳсулотлар учун нақд шаклда ажратилади. Бунда ишлар бажарилгандан сўнг етказиб берувчининг ҳисоб-рақамига маблағ ўтказиб берилиши ва меҳнат ҳақи билан боғлиқ қисми нақд пул кўринишида берилиши мумкин.

Жорий йил 1 апрелдан бошлаб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит аризалари Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ижтимоий дастурлари ягона электрон платформаси — “www.oilakredit.uz” орқали қабул қилинмоқда. Янги тизим орқали келиб тушаётган аризалар Оилавий тадбиркорлик марказлари (ҳокимнинг биринчи ўринбосари, сектор раҳбари ва МФЙ раиси) томонидан жойига чиққан ҳолда қарз олувчининг амалга оширадиган фаолият тури учун шароити, имконияти ҳамда етарли билим ва тажрибаси беш кун давомида ўрганиб чиқилади.

Ариза юборилгандан сўнг беш иш кунида кўриб чиқилади. Ҳозирда платформа орқали бир кунда 5 мингдан ортиқ аризалар келиб тушмоқда. Улар имкон қадар тезкор кўриб чиқилиб, Оилавий тадбиркорлик марказларига тақдим этилади, сўнгра жойига чиққан ҳолда ўрганилади. Марказлар томонидан ижобий хулоса берилган ариза бир иш кунида масъул банк томонидан скоринг тизими орқали текширилади, натижаларига кўра молиялаштирилади. Тадбиркорлар ўз аризалари ҳолатидан, қай босқичда эканидан хабардор бўлиб туришлари учун ҳар бир босқич натижаси мурожаатчига “СМС хабарнома”, шаклида юборилади.

Нилуфар ЮНУСОВА,
Тошкент.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани адлия бўлимига фуқаро Насиба Бозорова томонидан мурожаат қилинди. Кўрсатилишича, фуқаро 2019 йил июль ойидан бола парвариши таътилига чиққан. Таътил муддати тугамай туриб, унинг меҳнат шартномаси туман СЭОМ томонидан бекор қилинган.

Мазкур масала ўрганиб чиқилганда, фуқаро Насиба Бозорова билан тузилган меҳнат шартномаси 2020 йил 16 ноябрдаги Шайхонтоҳур туман СЭОМ бош шифокорининг 307-сонли буйруғига асосан Меҳнат Кодексининг 100-модда 2-қисми 1-бандига кўра бекор қилингани маълум бўлди. Асос: Ўзбекистон Республикаси Пре-



НОҚОНУНИЙ БЎШАТИЛГАН ХОДИМ ИШИГА ҚАЙТАРИЛДИ

зидентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон Фармони.

В а ҳ о л а н к и , Меҳнат Кодексининг 237-моддасида ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан

тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Фақат корхонанинг бутунлай тугатилиши бундан мустасно. Бундай

ҳолларда меҳнат шартномаси уларни, албатта, ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилиниши белгилаб қўйилган. Бироқ, Н. Бозорованинг меҳнат шартномаси бекор қилинишида мазкур тартибга риоя қилинмаган.

Юқоридагиларга асосан, адлия бўлими томонидан Н. Бозорова-

ИНСОН ВА ҚОНУН

ни ишдан бўшатиш тўғрисидаги туман СЭОМ бош шифокорининг 307-сонли буйруғи ғайриқонуний деб топилди. Меҳнат шартларидан келиб чиқиб, унинг иш жойига мурожаатчини олдинги ёки янги лавозимга ўтказиш мажбуриятини юклашни сўраб Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суд қарорига асосан фуқаро Н.Бозорова врач-эпидемиолог ёрдамчиси лавозимига ишга тикланиб, унинг мурожаати қаноатлантирилди.

А. НУРУЛЛАЕВ,
Шайхонтоҳур тумани адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси.

“Hamkorbank” нинг Асакада фаолият юритаётганига чорак аср бўлди. Шу вақт мобайнида ишончли банк муассасаси сифатида туманда катта мавқега эришди. Эътибор топди, кўплаб йирик мижозлар орттирди. 60 га яқин ходимга эга жамоамизни айна вақтда Муҳиддинхон Ортиқов бошқариб келмоқда.



Ҳозирда ходимларимиз Мустақиллик ва банкимизнинг 30 йиллик тўйига муносиб тўйна тайёрлаш учун с и д қ и д л д а н меҳнат қилмоқда. Мақсад — қўшалоқ байрамни юқори кўрсаткичлар билан қарши олиш.

Филиалимизнинг шу кунгача босиб ўтган йўлига назар ташласак, унда катта бир тарихни кўраимиз. Жамоа илк ташкил топган пайтда унга Назиржон Қодиров раҳбарлик қилган. Ўшанда Асака ёғ заводи тасарруфидаги бинонинг биринчи қавати сотиб олинди, офис шакллантирилган. Тушгача иш, тушдан сўнг қурилиш ишлари амалга оширилган.

2002 йилда Бек офис, фронт офис тизими илк бор бизнинг Асакада амалиётга жорий этилди. 2013 йилда биринчи бўлиб стандартлаштиришга қўл урилди. Олд қисмидаги 5 метр жойга қўшимча бино солиниб, банк офиси кўринишига келтирилди. Бўлимлар бир-биридан алоҳида ажратилиб, стандартларга жавоб берадиган даражада таъмирланди. Ўшанда “Hamkorbank” тизимида 28 та филиал мавжуд эди. Деярли барча тармоқларнинг бошқарувчилари келиб, биздаги ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриб, ўрганиб кетган. Тармоқлар ичида биринчилардан бўлиб янги ва замонавий амалиётларни қўллаганимизнинг ўзи филиалимиз салоҳиятини белгилаб беради.

25 йил орасида филиалимизда 12 нафар тажрибали раҳбар бошқарувчилик қилди. Уларнинг орасида энг узоқ ишлаган ва тармоқ ривожига муҳим роль ўйнаган шахс сифатида Манзура Тўхтасиновани алоҳида тилга олиб ўтиш ўринли. У жамоанинг ўсиши учун бор кучини ишга солди. Унинг раҳбарлик даврида филиал кўрсаткичлар борасида ҳаммиша байроқдор бўлган.

Зиёдулло Усмонов бошчилигида, яъни 2019 йилда ҳам филиалимиз ўз гуруҳида етакчиликини қўлдан бермади. Бу кадрларга бўлган эътибор, жамоани олдинга бошлаш ва ташаббускорлик нати-

жасидир. Назиржон Қодиров, Маъруфжон Расулов, Бахтиёр Жўраев, Абдулхамит Эргашев, Дурбек Абдурахмонов, Музаффар Ҳайдаровлар ҳам бошқарувчи сифатида Асакада “Hamkorbank” номининг танилишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Филиалимиз тизимга юқори салоҳиятга эга мутахассислар етказиб беришда илғор. Яқингача Фронт офис бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келган ҳамкасбимиз Фарҳод Абдурахмонов эндиликда бош банкда фаолиятини давом эттирмоқда. У 2020 йилда “Энг яхши фронт офис бошлиғи” номинациясида ғолиб бўлган эди. Шунингдек, филиал ходимлари Аваз Эрбўтаев “Энг яхши касса мудирини”, Фарҳодбек Қамбаров “Энг яхши бек офис мутахассиси” номинацияларининг совриндорларидир.

Филиалимизга қарашли ҳар бири 5 нафардан ходимга эга Марҳамат, Ниҳол, Баркамол банк хизматлари офислари мавжуд. Улар тизимдаги БХОлар орасида юқори кўрсаткичлари билан ажралиб турибди.


Бугун жамоамиз ёшарди. Ёш ходимларнинг ғайрати, изланишлари туфайли натижалар кўнгилдагидек. Тўғри, иш бор жойда камчиликлар бўлади. Масалан, муассасамиз муаммолар кредитларсиз ишлайдиган тармоқлар орасида етакчилардан эди. Аммо ўтган йилги пандемия оқибатида юзага келган карантин чекловлари кўпчилик мижозларимизнинг ишига салбий таъсир кўрсатди. Натижада кредитлар тўловида муаммолар туғилди. Ҳозирда бутун диққатимизни ана шундай камчиликларни бартараф қилишга қаратганмиз.

Умид қиламизки, тез орада бу муаммолар ўз ечимини топади ва Асака филиали яна ўз кўрсаткичлари билан мақтана оладиган жамоага айланади.

Яҳёбек ҲАСАНОВ,

Асака филиали чакана бизнес бўлими бошлиғи-бошқарувчи ўринбосари.

Инсон касб танлашда адашмаслиги керак. Мен бунга ўз ҳаётим мисолида айта оламан. Ўқувчилик йилларим қандай касб эгаси бўлиш тўғрисида гап борганда “албатта, банкир бўламан”, дея қарор қилгандим.



“АЛБАТТА, БАНКИР БЎЛАМАН”

Адашмаган эканман, олийгоҳни тамомлагач бир муддат бошқа соҳада ишласамда, болалиқдаги орзу менга тинчлик бермасди. 2009 йили “Миллий банк”да иш бошладим. Тажрибали устозлардан касб сирларини ўргандим. Асосийси, фуқаролар билан муомала қилишда катта тажриба ва маданият зарурлигини тушуниб етдим.

2014 йилдан “Hamkorbank” тизимида фаолиятимни давом эттирдим. Яккасарой филиалида мидл офис мутахассиси вазифасига қабул қилиндим. Очиғи, ана шу вақтда янги иш жойим ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Бу зиммамдаги масъулиятни янада

оширди. Ходимларга бўлган эътибор, янги лойиҳалар, жамоадаги аҳиллик касбимга бўлган қизиқишимни янада оширди.

Юнусобод филиали жамоаси ҳақида ҳам қанча гапирсам оз. Айниқса, янги иш бошлаган ходимларга бўлган эътибор жамоага тез қўшилишга йўл очади. Банк раҳбарияти томонидан берилган ҳар бир топшириқ остида рағбат ётади. Бу сизни изланишга, ташаббусга бошлайди. Шу сабаб мен ҳаётимни “Hamkorbank” билан бирга кўраман.

Гулруҳ БОТИРОВА,

Юнусобод филиали мидл офис мутахассиси.

ШАФФОФЛИК КАДРЛАР ТАНЛОВИНИНГ АСОСИ

Бугун иқтисодий мукамалликка эришиш учун моддий қўллаб-қувватлаш юқори бўлган ташкилотда ишлашни хоҳлайдиганлар кўпчиликини ташкил этади. “Hamkorbank” АТБ ана шундай молиявий бақувват муассасадир. Бунга осонлик билан эришилмаган, албатта. Банк бизнесини ривожлантириш, муассаса мақсадини рўёбга чиқариш учун 5-10 йил эмас нақд 30 йилдан буён жаҳон андозаларига мослашиш устида ҳаракатлар қилинмоқда. Бу мукамалликка эришиш йўлида кўплаб фидойи инсонларнинг изланишлари, ўрганишлари ётади. Шундай экан банкда ишлаш истагида бўлганларга аниқ талаблар қўйилиши табиий.

Ушбу мавзудаги суҳбатимиз “Hamkorbank” АТБ нинг танлов, карьера ва талантлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Акрамжон Ҳайдаров билан бўлди.

— Банкимизнинг бугунги нуфузи ва салоҳиятига таъриф бермоқчи эмасман. Чунки молия муассасаси сифатида республикада ўз ўрнига эга. Шундай экан ишга кирувчиларга қўйиладиган талаблар ҳам юқори. Бизда ишлаш истагидагилар талайгина. Мурожаатчиларнинг аксарияти ёшлар ва банк фаолиятига тааллуқли бўлган иқтисодий соҳаларда ишлаб, тажрибага эга бўлганлар.

Йил давомида банкимизда ишлаш истагида бўлганлардан минглаб мурожаатлар қабул қилинади. Номзодларга касб-малака талабларига мос келиши, профессионал билим-

лари ва компетенциялари бўйича талаблар қўйилади. Улар орасидан билимли, иқтидорли, изланувчан ва, албатта, салоҳиятлилари саралаб олинади.

Айнан “Hamkorbank”да ходимлар захирасини шакллантириш бўйича ўзига хос услуб мавжуд. Таъкидлаш жоизки, кадрлар сиёсатини тубдан такомиллаштириш, хусусан, лавозим вазифаларини мувофиқлаштириш, ходимларни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин олган. Биз айнан кадрлар кўнимсизлигининг олдини олиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда замонавий тенденция-



лар билан бир қаторда узоқ йиллардан буён ўзини оқлаётган анъанавий усулларга амал қиламиз. Унга кўра банк мутахассислиги бўйича олий таълим муассасаларини тамомлаган иқтидорли, ташаббускор, юқори билимга эга, хорижий тилларни биладиган ёшлар махсус комиссия томонидан суҳбатдан ўтказилиб, ишга қабул қилинади. Комиссия аъзолари учун ҳам адолатлилик, шаффофлик таъминланиши муҳим.

Кадрларнинг мансаб поғоналаридан кўтарилишлари, ўсишига ҳам имкониятлар яратилган. Иш шaroитлари ҳам қулай ва намунали. Демакки, барча шарoит ва имкониятларни яратиб берган молия муассасасининг талаби ҳам шунга яраша.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА
суҳбатлашди.

Бундан уч йил аввал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини тамомлаган Акмал Солиев дипломини қўлига олиб, “Hamkorbank” АТБ Боғишамол филиалига йўл олди. Иқтисодиёт бўйича ёш мутахассис бу ерда фронт офис иш ўрганувчиси сифатида иш бошлаб, кундан кунга соҳага қизиқиши, касбий малакаси ошиб борди. Мана бир ярим йилдирки у кўҳна Самарқанддаги нуфузли филиалнинг корпоратив хизматлар бўлими менежери (оммавий) вазифасида ишлаб келяпти. “Hamkorbank”нинг 30 йиллик тўйи арафасида 26 ёшни қаршилайдиган йигит билан суҳбатимиз асносида банкнинг келажаги умидли ёшлар қўлида эканлигига амин бўлдик.

— “Ўз уйим- ўлан тўшагим” дейишади. Шундай бўлсада, Самарқанддан бошқа жойларда ҳам бўлганмисиз?

— Жонажон “НАМКОРБАНК” Ўзбекистонимиз жаннатмонанд юрт. Унинг ҳар бир гўшасида бўлишни ким ҳам хоҳламайди дейсиз?

Талабалик давримда олимпиада сабаб тарихий Қўқон шаҳрига борганман. Таассуротларим ҳали-ҳануз ёдимда. Тошкент, Навоий, Жиззах шаҳарларига саёҳатларим ҳам мароқли ўтган. Банкда меҳнат фаолиятимни бошлаб, хизмат юзасидан Қарши, Бухоро шаҳарларида бўлдим. Гўзал, бетакрор шаҳарларни кўриб тўймайсан киши... Ҳар бири ўзига хос. Лекин қай жойга борсамда, туғилган жойим, ота-онам, оилам бағрига шошаман. Уларнинг тафти, меҳри бари бир бошқача.

— Яна ўттиз йилдан сўнг Акмал Ўткирович қаерда ва қайси лавозимда ишлайди, деб ўйлайсиз?

— Ўттиз йил айтишга осон, анчайин катта давр. Мана бу йил Ўзбекистонимиз мустақиллигига 30 йил тўлмоқда. Ўтган йиллар мобайнида ҳатто тасаввурга сиғмас ўзгаришлар рўй берди. Ўзимга келсак... шунча вақт ўтгандан кейин қайси лавозимда ишлашимни билмадим-у, аммо “Hamkorbank” тизимида банк ривож учун ҳисса қўшишга умид қиламан.

— “Кўз очиб кўрган” банкингизни учта сўз билан таърифлай оласизми?

— Қулай. Тезкор. Ишончли. “Hamkorbank” ҳар доим мижозлар учун қулай шароитлар яратишга эътибор қаратган ҳолда тезкор хизмат кўрсатади.

“НАМКОРБАНК”ДАН ТЎРТ ЁШ КИЧИК МУТАХАССИС БИЛАН СУҲБАТ

ди. Ушбу жиҳатлари билан ўттиз йилдан буён мижозлари ишончини қозоняпти. Шундай банкнинг ходими эканлигидан фахрланаман.

— Билишимизча рус ва инглиз тилларида эркин сўзлашар экансиз. Бунга қандай эришгансиз ва тил билишингиз ишингизга наф келтиряптими? Мумкин бўлса, “Hamkorbank” АТБ нинг 30 йиллигига инглизчасига қисқача тилак изҳор этсангиз?

— Онам рус тили ўқитувчиси. Шу боис оиламизда ҳам бу тилга қизиқиш кучли. Ўзаро мулоқотда тез-тез фойдаланиб турамыз. Инглиз тилини эса дастлаб лицейда, кейин институтда доимий ўқиб-ўрганиш ва амалий машғулотлар жараёнида билиб олганман. Тил

билишнинг аҳамияти жуда катта. У ҳар қандай вазиятда бошқа миллат вакили билан самимий мулоқотга киришиш ва уларни англаш имконини беради. Келгусида бошқа тилларни ҳам ўрганишни ният қилиб турибман. Қадрдон банкимизнинг ўзига хос тўйига инглизча тилагим қуйидагича:

Today, bank system is one of the developing sphere of Uzbekistan and JSCB "Hamkorbank" has a role to play. This year Hamkorbank is celebrating its 30 th anniversary like independence. Therefore, I wish to further development by enlarging and growing the quality and fast service even in the next 30 years. Moreover, every year let us celebrate the next anniversary of bank that rising and people trust. Briefly,

let us grow together.

— Пиёда юришга соғлом турмуш тарзи сифатида қаралмоқда. Сиз ишга яёв борасизми ё эринмай... машина кутасизми?

— Иш жойим уйимиздан бироз узоқда бўлгани боис ўз машинамдан фойдаланаман. Очиғини айтганда, кунлик фаолиятимиз кўп жисмоний ҳаракат талаб қилмайди. Шу сабабдан соғломлаштириш тадбирлари, спорт ўйинларига доимо хайрихоҳимиз. Ишдан кейин ходимлар билан футбол ўйнаб турамыз. Ўйга келганда пиёда кечки сайр қилишни хуш кўраман. Унинг гашти, завқи бўлакча: йўл-йўлакай қадрдонлар билан суҳбатлашсан, руҳан енгил-лайсан.

— Рўзғор учун бозорга бориб турасизми? Самарқанд бозорларидаги нарх-наволар ҳақида нима дея оласиз?

— Деярли ҳар ҳафта рўзғор халтаси қўлимда бўлади. Дам олиш кунлари бемалол ва хотиржам рўзғор юмушлари билан шуғулланиш имко-

ни бор. Асосан якшанба кунни бозорлик қиламан. Вилоятимизнинг ҳар бир ҳудудида кундалик қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархлари фарқи сезиларли даражада дейиш мумкин. Шаҳарда нарх-наво нисбатан баланд. Масалан, шаҳарда 65-70 минг сўмга олинган гўшти қишлоқ бозорларида арзонроқ харид қилса бўлади. Юртимиз бозорларидаги мўл-кўлчиликни дунёнинг бошқа бирон жойида учратмайсиз. Ҳамма фаслда ҳам истаган маҳсулотингизни топишингиз мумкин. Шоир айтганидай “Бундайин юрт қайда бор?!”

— Ҳаётдаги шиорингиз?

— Инсон умри давомида турли қийинчиликларга учраши табиий. Шунга қарамадан “доимо олға интилиш ва доимий изланиш”ни ўзимга шиор деб биламан. Билим ёрқин келажак ва бахтли ҳаёт кафолатидир.

— Яхши ниятларингиз ушалишига тилақдошмиз.

Суҳбатдош: Ҳалимжон ТОҲИРОВ.

Суратда: А.Солиев онаси билан.



2020 йил 1 июлдан “Hamkorbank” АТБ ходимларини номоддий рағбатлантириш тартиби янги таҳрирда қабул қилинди. Унга кўра, қуйидаги 8 та йўналиш шакллантирилди.

Бош банк йўналишлари ва филиалларида ой, чорак ва йил якунларида бағишлаб ўтказилган мажлисларда бизнес режа кўрсаткичларини бажаришда юқори натижага эришган ходимлар жамоа олдида алоҳида эътироф этилиб, уларга оғзаки миннатдорчилик билдирилади.

Самарали фаолият юритиб келаётган илғор ва намунали ходимларнинг фотосуратлари “Эътироф ойнаси”га қўйилади. Бундай эътирофга 50 нафаргача ходими бор филиалларда 6 нафар, 50 дан ортқ ходимга эга жамоалардан 8 нафар ходим муносиб топилади.

Иш фаолияти давомида яхши натижаларга эришган фаол ва изланувчан 30 ёшгача бўлган ходимларнинг ота-онасига раҳбарият томонидан ташаккурнома юборилади.

Йиллик номинациялар ғолиблари, турли лойиҳа, тадбир ва мусобақаларнинг фаол иштирокчи-

лари банкнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланади.

Банк ташкил топган кун муносабати билан намунали, меҳнат унумдорлиги юқори ходимларга “махсус

8 ЙИЛ РАҒБАТ — МОТИВАЦИЯ

фахрий ёрлиқ”лар тақдим этилади.

“Юбилей фахрий ёрлиғи” банк ташкил топган кунининг юбилей саналарида камида 10 йиллик иш стажига эга, фаол ходимларга топширилади.

Банк ташкил топган кун муносабати билан камида 15 йиллик иш стажига эга фаол ходимлар “Hamkorbank” кўкрак нишонига эга бўлади.

Тизимда камида 20 йилдан ортқ

ишлаган ва муваффақиятга эришган ходимлар эса I ва II даражали “Самарали меҳнати учун” медалини кўлга киритади.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2020 йилда 56 нафар ходим “Махсус фахрий ёрлиқ”, 15 нафар мутахассис “Hamkorbank” кўкрак нишони, 8 нафари II даражали “Самарали меҳнати учун” медали

билан тақдирланди. Намунали фаолияти туфайли 138 нафар ишчининг сурати эътироф ойнасига жойлаштирилган бўлса, 51 нафар фаол ва изланувчан ёшларнинг ота-оналарига ташаккурномалар жўнатилди.

Номоддий рағбатлантирилган ходимлар ҳисобини юритувчи дастурий таъминот тизимлаштирилган шаклда бўлиб, ундаги барча маълумотлар меҳнат унумдорлиги ва

рағбатлантириш бўлимида йиғилади. Бўлим томонидан ходимларнинг фаолияти мониторинг қилиниб, керакли натижаларни кўлга киритганлари тақдирлашга тавсия этилади. Махсус комиссия тавсия этилганларни ўрганиб чиқиб, тасдиқлаш учун Бошқарув раисига тақдим этади. Ана шу тариқа ҳеч қандай кўзбўямачилик ва таниш-билишчиликка йўл қўйилмайдиган, аниқ таҳлил ва маълумотларга асосланган тизимлашган номоддий рағбатлантириш жараёни амалга оширилади. Рағбат эса ҳар бир инсонга янги мотивация, ўз ишидан қониқиш ва фахрланиш туйғуларини туҳфа этади.

“Hamkorbank” ташкил топганининг 30 йиллиги муносабати билан ҳам энг фаол ходимларнинг рағбатлантирилиши кўзда тутилмоқда. Бу кимларга насиб этиши яқин кунларда маълум бўлади.

Феруза АБДУРАҲМОНОВА,
“Hamkorbank” АТБ меҳнат унумдорлиги ва рағбатлантириш бўлими мутахассиси.

Бахши — терма, қўшиқ ва дostonларни сақловчи, ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор, халқ дostonчиси. Унинг ширали овози, дўмбирасидан тараляётган куй инсон қалбини беихтиёр тўлқинлантиради, жунбушга келтиради. Юртимиздаги ҳар бир бахшичилик мактабининг ўз йўли, ифода йўсини, маҳаллий шевадан келиб чиққан ҳолда сўз бойликлари халқ эртаклари, дostonларида мужассам. Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё ва Қорақалпоқ бахшичилик мактаблари бир-биридан фарқ қилади, ўзига хос тарзда сўйланган ва куйланган. Хусусан, “Гўрўғли” туркумидаги қирқдан ортиқ, “Алпомиш” туркумига кирувчи дostonлар тақрорланмас.

— Ёшлиқдан бахшичилик санъатига меҳр қўйиб, “Бола бахши”нинг дostonларини ёдлаб, тўйларда кўриб, унинг ёнига кирганман. Устозим кўплаб дostonларни билгучи эди. Менга соҳанинг кўп сиру синоатини ўргатган. Қорақалпоқ бахшиларидан устозимиз, мактабимиз бир, — дейди Қаландар бахши Норматов.

Қаландар бахши Хоразмнинг Шовот туманидан. Илк бор 1983 йилда Шахрисабзда ўтказилган бахшилар, шоирлар кўрик-танловида саҳнага чиққан ва танлов ғолиби бўлган. Ўша вақтда ўнга яқин дostonни ёд билган. Ҳозирда 70 ёшда ҳам 20 га яқин дoston, 500 га яқин термаларни билади. 2001 йилда “Халқ бахшиси” унвонига сазовор бўлган. Бугун унинг ўзи устоз. Фарзандлари Ферузбек ва Дoston Норматовлар отасининг давомчилари. Айнан Хоразм дostonчилиги мактаби азалдан қаҳрамонлик дostonларини ижро этиб келгани билан машҳур. Қаландар бахши билан суҳбатимиз ана шу хусусда бўлди.

— Ўтмишда чолғу ансамбли таркибида дотор, буламан, ғижжак, ҳозирда тор, қўшнаё ёки буламан, доира жўрлигида ички овозда қўшиқ-ашула ижро этиб дostonлар куйланган. Хоразм эпик асарларини талқин этишда жамоавий ижрочилик етакчилик қилади. “Ширвоний” (Хива) ва “Ироний” (Манғит) номли иккита йўналишга бўлинадиган ушбу мактабларнинг илдизлари бақувват. Ансамбллар таркиби: тор, қўшнаё, доира ва дотор, уч торли ғижжакда мужассам. Услуб ва лаҳжа, ёрқин ва жонлантирувчи қўшиқ, ашула ва оҳанглarga эга.

Қадимда нафақат эркак бахшилар, балки Хоразм аёллари ижросида ҳам дostonлар ва терма-қўшиқлар айтилган, уларни “халфа-дostonчи” деб аташган. Масалан, “Тоҳир ва Зухра” дostonи халфалар орасида оммалашиб кетган. Ҳар бир асар қўл соз (рус диатоник



Санъат

Бахши

гар-мони) ва доира жўрлигида ижро этилган.

Илгари бахшилар якка тартибда театр кўрсатишган. Бахшининг маъноси ҳам театр демакдир. Ушбу сўз туркий тилдан олинган бўлиб, ўз касбининг табиби, даволовчи, устози, луқмони, меъмор, сўз устаси каби бир қанча таърифларга эга. Масалан, бизнинг Огаҳий театри “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonида гримчилари билан салкам 80 одам иштирок этади. Лекин қадимда ушбу дoston қаҳрамонларини бахшининг бир ўзи ифодалаган. Демакки, у ҳар бир қаҳрамоннинг кўринишига кира олган, унинг феъл-атворини ифодалаган. Кампир бўлиб кексаликни, мунгли жойида йиғлашни, кулса кулишни уддасидан ўтган ва ҳоказо.

Бахшичилик ҳақиқий истеъдодли инсонларнинг хоҳиш-иродаси билан турли йиғинлар, халқ сайиллари, тўйлар баҳонасида аста-секин шакллана борган. Халқ турмуши, маданияти, ўзи яшаб турган юрт тарихи ва бирор чолғу чалишни билиши, қўшиқчилик санъатини пухта эгаллаган бўлиши керак. Унинг ижроси жонли халқ тилининг тур-

гани, бахши-шоирларимизнинг гоҳ маънос, гоҳ шўх-шодон хатти-ҳаракатлари уларда катта қизиқиш уйғотаётгани бунга яққол мисолдир.

Эргаш Жуманбулбул ўғли 30 дан, Пўлкан шоир эса 70 дан ортиқ дostonни ёд билган. Ҳар бир дoston икки-уч минг сатрдан тортиб, ўн беш, ҳатто йигирма минг мисрагача шеърни, қарийб шунча назм қисми ўз ичига олишини ҳисобга олсак, халқ бахшиларининг салоҳияти, ҳайратомуз ёдлаш ва эсда сақлаш қобилияти ўз-ўзидан аён бўлади, хуваи ҳофизаси ниҳоятда кенглигини кўрсатади. Бу каби инсонлар бир вақтнинг ўзида бадихағўй ҳикоячи, кучли овозга эга хонанда, моҳир созанда ва маълум даражада актёрлик маҳоратидан хабардор бўлган санъаткор сифатида адабий матн, шеър, мусиқа, айтим йўлига амал қилган. Ва маҳорати билан тингловчини ром этиб, унга завқ-шавқ бахш этган.

— Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд бахшичилик мактаби вакиллари дўмбира жўрлигида бўғиқ, яъни ёпиқ овозда терма-қўшиқ ижро этиб, очиқ овозда дoston жараёнига таъриф берадилар, - дея сўзини давом эттирди Қаландар бахши. — Биргина Қорақалпоқ бахшичилик мактабида иккита йўналиш мавжуд. Бакси, яъни ички овоз услуби – дотор, ғижжак, жўрनावоз ҳамда жирова, яъни бўғиқ овоз услубида қўбиз жўрлиги.

2019 йилда Халқаро бахшичилик санъати фестивали Термиз шаҳрида ўтказилди. Ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланди. Ушбу танлов кўплаб истеъдодларни кашф қилади. Айни дамда сентябрь ойида Нукус шаҳрида ўтказиладиган танловга тайёргалик қилияпмиз.

Бахши-шоир, оқин ва жировлар одамлар орасида эзгулик, маърифат шуъласини тарқатувчи, уларни мардлик, ҳалоллик, миллий ва умуминсоний қадриятларни улуғлашга етакловчи инсонлар сифатида хурматга сазовор.

Нилуфар ИБРОҲИМЖОН
қизи.

Швециялик олимлар эркаклар аёлларга қараганда атмосферага 16 фоиз кўп чиқинди ажратишини аниқладилар.

САЙЁРАМИЗ УЧУН ЭРКАКЛАР ХАВФЛИМИ?

Аналитикларнинг фикрига кўра, деярли бир хил кунлик сарф-харажатларда аёлларнинг хатти-ҳаракатлари экологик жиҳатдан мақбулроқ бўлиб чиқди — улар хусусий автомобилдан кўра жамоат транспортдан кўпроқ фойдаланадилар, кам гўшт истеъ-



мол қиладилар ва ёмон одатларга қарши курашишга ҳаракат қиладилар.

Тадқиқотга кўра, эркаклар ва аёллар ўз фаолияти давомида қолдирадиган иссиқхона газларининг 50 фоиздан кўпроғи озиқ-овқат ва дам олишга сарфланган маблағ асорати ҳисобланади. Масалан, гўшт ва сут маҳсулотларини ўсимлик маҳсулотларига алмаштириш ва самолёт ёки автоуловлардан фойдаланиш ўрнига темир йўл транспортида сафар қилишга одатланиш одамларнинг кунлик углерод изини 40 фоизгача камайтиради.

Исроил дунёда биринчи бўлиб коронавирусга қарши капсула шаклидаги вакцинани яратди ва унинг клиник синовларига ҳозирлик кўрмоқда.

КАПСУЛА ШАКЛИДА ВАКЦИНА ЯРАТИЛДИ

Oramed Pharmaceuticals компанияси бош директори Надав Кидрон янги турдаги орал вакцинанинг бир қанча афзалликларини санаб ўтди. Биринчидан, у «коронавируснинг турли хил штаммларига нисбатан анча чидамли», чунки у Moderna ва Pfizerдан фарқли ўлароқ, вируснинг учта тузилмали оқсилга қаратилади. Иккинчидан, бундай препаратларнинг нохуш таъсирлари камроқ бўлади.



Бундан ташқари, вакцинани дунё бўйлаб етказиб бериш осон, негаки уни сақлаш учун махсус шароитлар талаб этилмайди. Кидроннинг сўзларига кўра, уни музлатгичнинг стандарт ҳароратида ташиш мумкин. Хона ҳароратида эса бемалол сақласа бўлади. Мутахассиснинг фикрича, бу келгусида одамларнинг ўзлари уйда мустақил равишда вакцина қабул қилишларига имкон беради.

Ёмғирни қўзғатадиган янги технологияларни синовдан ўтказиш шарофати билан кундузги вақтда ҳаво ҳарорати 50 даража иссиқ бўлишига қарамай, Бирлашган Араб Амирликларининг турли туманларида кучли ёмғир ёғмоқда

ҲАВО ҲАРОРАТИ +50, АММО ЁМҒИР АВЖИДА

Иссиқ ва қурғоқчил БААда ҳукумат ёмғир ёғдирадиган технологияларни фаол равишда ишлаб чиқмоқда: хусусан, шу йилнинг баҳорида ёғингарчиликни кўпайтиришнинг янги усулларини синовдан ўтказиш бошланди. Шу мақсадда амирликларда дронлардан фойдаланила бошланди, улар кимёвий бирикмалар ишлатмасдан булутларда электр разрядларини ишлатиб, ёмғир ёғдириши мумкин. Ушбу синовлар Дубайда SANAD академияси томонидан Британиянинг Реддинг университети олимлари билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.



Ҳ. РАШИДОВ тайёрлади.

Тадқиқот

Изланиш

Янги технологиялар

Бир қариндошимиз тўй қилди. Меҳмондорчиликда ўтирган ёши олтмишларга борган аёл набира-си ҳақида гапириб қолди. Ёз ойининг бошида олти ёшга тўлиши, зийрак ва зукко, шу кунгача кўп шеър билишни, эфирда бериладиган кўшиқларни тезда ёд олишини айтди.

— Қизим, нима дейсан, шу набирамни бу ўқув йилида мактабга берсакмикан? — дея юзланди онахон.

Ҳали жавоб беришга улгурмасимдан ёнимда ўтирган аёл сўз бошлади.

— Бераверинг, опа. Мен ўғлимнинг икки қизини олти ёшдан мактабга берганман. Аввалига мактабдан зерикшиб, бормайман, деб йиғлашарди. Кейинчалик, кўникиб кетди.

— Кенжамни олти ёшдан мактабга бергандим, — гапга қўшилди ёш жувон, — Биринчи синфда аъло баҳоларга ўқиди, негадир кейинги синфларда дангас бўлиб, уй вазифаларини вақтида бажармайдиган бўлиб қолди. Ҳозирда биров бўйнидан судрагандай бориб келади ўқишга...

— Мактаб программаси мураккаблашиб кетган. Боламнинг уй ишини бажаришга ёрдамлашишга, вақти келса, ўзимнинг ҳам ақлим етмайди. Қиз бола бир нави эплаб кетаркану, ўғил болалар ўзини ҳам, сизни ҳам қийнарган, — деди яна бир аёл.

— Шу кунга қадар агар олти ёшли бола ташхис маркази мутахассиси синовидан ўтса, мактабга қабул қилинади. Кўплаб ота-оналар фарзандларини олтидан, баъзилари ҳатто бу ёшга тўлмасдан ўқишга бериш умидида чопиб чарчамасди. Тўғри, раҳбарлик қиладиган синфларимда ҳам олти ёшдан мактабга чиққан, ўртоқларининг орасида энг аълочи ўқувчиларим бор.

Ота-оналар болаларини 1-синфга беришди-ми, бўлди, ташвишлари шу ерда барҳам топади. Аммо жабрини кўпроқ биз ўқитувчилар тортамиз, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Умидахон Юсупова. — Ваҳоланки, 2020 йил 19 майда қабул қилинган қонунда “Умумий ўрта таълим ташкилотининг биринчи синфига болалар улар етти ёшга тўладиган йилда қабул қилинади” дея белгилаб қўйилди. Бу биз, устозлар учун ҳам, фарзандларимиз учун ҳам яхши, албатта.

Ўткирбек Арзиқулов,
психолог:

— Илм даргоҳига илк қадам қўйган ўқувчи мактабга, таълим жараёнига, синфдошларига мослашиш даврида жуда қийналади, гарчи етти ёшга тўлган бўлса ҳам. Энди ўйлаб кўринг, агар у олти ёшда бўлса-чи?! Унда бу янада қийин кечади. Таълим жараёнида юзага келадиган қийинчиликлардан бири айрим болаларнинг мактаб таълимига тайёр бўлмаган, етилмаган ҳолда келиши билан боғлиқ. Ҳақиқатан ҳам, баъзи болалар ўзлари учун янги бўлган ижтимоий-психологик роль учун нафақат тайёр бўлмаган ҳолда, балки билим, малака ва кўникма даражалари, ўқишга мойиллиги турлича бўлган индивидуал-психологик тафовутлар билан келадилар. Бу улар-

нинг айримлари учун ўқишни ўта енгил, зерикарли ва қизиқарсиз машғулот бўлиб қолишига асос бўлса, бошқалари учун ҳаддан зиёд қийин, машаққатли, оғир ва ана шуларнинг оқибатида улар учун ҳам қизиқарсиз машғулотга айлантириб қўяди. Фақат учинчи тоифа болалар учунгина таълим дастурлари, уларнинг қобилиятига мос келади. Алоҳида таъкидлаш керакки, қизлар ва ўғил болалар ўрта-сида ўзлаштириш даражаси ҳам фарқ қилади. Қизлар зукко, зийрак ва чидамли бўлишади. Бу билан ўғил болалар яхши ўқишмайди ёки ўзлаштира олмайди дейишдан йироқман.

Анча йиллар аввал раҳматли қайнотам қизимни олти ёшдан мактабга бермоқчи бўлганимда “боланинг болалик даври бўлади уни ўғирламанг, 7 ёшида берганингиз яхши, ўзлаштиришда ҳам қийналмайди. Яна олти ёшли болани кўлидан тутиб сиз олдинда тортиб юрасиз, етти ёшда эса бола олдинда сиз унинг

ортида юрасиз” дея соддагина қилиб тушунтиргани ёдимда. Кўп йиллик малакага эга ва узоқ йиллар ташхис марказини бошқарган қайнотамнинг ўғитлари кўп бор ҳаётда ўз ифодасини топди.

Ёдимда, бир неча йиллар олдин телевизорда республика ташхис маркази психологи бир суҳбатда “Бола 7-8 ёшда 40-45 дақиқалик ўқув машғулотига тайёр бўлади”, деганди. Кўриниб турибдики, олти ёшдаги зийрак, нутқи равон, фикрни англаб етиши тез бўлган болаларнинг барчаси ҳам мактабга тайёр бўлавермас экан. Кўп ҳолларда, мутахассис-психолог синовидан ижобий ўтган болалар ўқиш даврида ўртоқларига нисбатан тез чарчайдилар, зерикадилар. Бундай пайтда таълим юкламаларини бажаришга қуввати етмайди.

— Қийинчиликлар унинг руҳиятига қаттиқ таъсир қилиб, бола жиззаки ёки

кўрқоқ бўлиб қолиши мумкин. Ўқитувчи ҳар қанча шуғулланмасин, бола зиммасидаги юкламалар вақт ўтгани сайин мураккаблашиб бораверади, — дейди узоқ йиллар бошланғич синфларга устозлик қилган Лилия Рафиқовна.

Дилбандларимиз қувончию шодлигига ҳамоҳанг уларни савод чиқарганини кўриш бахтидан қалбимиз нурга тўлади. Ўқимишли, ҳаётда ўз ўрнини топганида эса хотиржам бўламиз. Хулоса ўрнида эрта мактабга беришга шоммаган маъқул. Уларни айна ўйнашга тўямдиган даврида елкасига ортиқча юк ортмайлик. Дарҳақиқат, эрта мактабга чиққан бола мактаб даврини тенгдошларидан бир йил аввал тугатар, лекин бу жудаям кўп нарсани ҳал қилмайди. Аммо боладаги руҳий зўриқиш асоратини анчагача йўқотолмай қийналамиз.

Шаҳлохон
НИШОНОВА.

АКСИРИШНИ УШЛАБ ТУРИШ ХАВФЛИМИ?

Аксиришни ушлаб туриш хавфлими? Агар сиз ушбу саволга жавобни интернетдан қидириб кўрсангиз, аниқ жавоб топа олмайсиз. Энди биз муаммога ойдинлик киритиш учун тўғри жавобни берамиз.

Саломатлик Аксиришни ушлаб туриш инсон танасига зарарли. Ушбу жараёни тез-тез эътиборсиз қолдириш қулоқ-томоқ йўлига хавф туғдириши мумкин. Кўпинча ўзларини аксириш истагидан қайтарувчи одамларда қулоқ, қулоқ пардаси ва шунингдек, кўз тизими билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлади.

Шифокорнинг хулосаси қандай? Аксириш зарарли эмас, аксинча уни ушлаб туриш инсон организми учун хавфли бўлиши мумкин.

Ушбу саволга жавобан Неуро Сургей клиникаси терапевти Герман Ликутов тарихга мурожаат қилишни таклиф қилади. Унинг сўзларига кўра, аксиришни доимий равишда ушлаб туриш синусит, мигрен ва ҳатто қонтомир ва аортанинг ёрилиши каби касал-



ликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган кўплаб ҳолатлар қайд этилган. Бундай ачинарли оқибатлар, аксиришни тиймоқчи бўлганида, инсон аъзоларига таъсир этувчи куч туфайли пайдо бўлади. Баъзан бу куч буғ қозонининг портлашига тенг бўлади.



Агар бировнинг ташвиши сени ҳам ташвишга солса:

— билки ҳали табиатинг тоза экан.

• Агар ўзингдан бошқаларда ҳам гўзалликни кўра олсанг: — билки, ички дунёинг гўзал экан.

• Агар биродарлик ришталарини муҳофаза қила олсанг: — билки, сен учун нурли йўлларда доим ҳамроҳ топилади.

• Агар ўзингдан бошқаларга ҳам яхшиликни холис қила олсанг:

— билки, сен вафога жуда яқинсан!

• Билгин:

— айбсиз дўст қидирган ёлғиз яшайди;

— нуқсонсиз жуфт излаган бўйдоқ ўтади;

— қийинчиликсиз ёр истасанг... истаб юраверасан.

• Лабингни фақат икки нарсага ишлат:

— бири табассум;

— иккинчиси сукут.

Табассум мушкул ишларни ҳал қилади. Сукут эса мушкул ишларни ўтказиб юборади.

Шайх ШАРОВИЙ.

Раҳбарлар ҳақида гап борганда баъзилар бир ёқлама баҳолайди. Раҳбар оиласида ҳам ўзини баланд тутати, буйруқ беришини қўймайди. Ҳатто дўстлар даврасидаям ажралиб туришга ҳаракат қилади, дегувчилар йўқ эмас. Аслидачи, аслида ҳам шундайми? “Hamkorbank” АТБ Жалақудуқ филиали бошқарувчиси Обиджон ОТАБЕКОВ билан суҳбатимиз айна шу мавзудан бошланди.



— Айрим одамларга тушунмайман, раҳбарлар ҳам инсон (кулади). Оиласида эркин, эр-хотин, ота-бола муносабатларида оддийлик, самимийлик бўлишини хоҳлайди. Яқинлари ва дўстлари билан ёзилиб суҳбатлашгиси келарди. Ён қўшингиз ҳашар уюштиради дейлик. Маҳалладошлар қатори девор уришга киришдингиз. Атрофдагиларнинг ўзгача муносабати хоҳлайсизми, йўқми “менлик”ка бошлайди. Аммо раҳбарлик ўз йўлига. Инсон ўзини идора қила олса бас. Ҳамкасбларим билан ишдан ташқари вақтларда худди дўстлардай гаплашишга уринаман. Айниқса, тўйлар ёки бошқа кунларда елкадош бўлиб хизмат қиламан.

— Ётти пуштини билиш халқимизга хос фазилат. Сиз шажарангизни қанчалар биласиз?

нинг тўқислигини таъминларкан. Ҳеч бир фарзанд суянчидан ажралмасин.

— Байрамларда оила аъзоларингизни қандай қутлайсиз?

— Байрамларни кўпроқ уйда, чиройли дастурхон атрофида оила аъзоларим билан бирга ўтказаман. Совғада эса тенглик бор-барчаларига бир хил олишга ҳаракат қиламан. Онамнинг ёнида бўлишни, кўнглини олишни энг катта совға деб биламан. Иш билан бўлиб доим ҳам тўйиб суҳбатлаша олмайман. Ҳа айтмоқчи, байрамларда асосан эркаклар хизматда бўламиз, таом тайёрлаймиз.

— Дўст деб билганингиз дилингизни оғритди...

— Хафа бўлмайман. Хатони ўзимдан қидираман.

БОҒЧАДАН ҚОЧГАН РАҲБАР



— Ёшликнинг хотирангиздаги излари қандай?

— Жуда шўх, ўжар, қайсар... Онам мажбурлаб боғчага обдоранлар. Мен эса уйга онамдан олдин етиб борганман. Қўшни болалар билан ҳам кўп жанжаллашардим.

— Раҳбарлик сиз учун...

— Ҳозирги кунда жуда мураккаб. Ўз ишингизни севиб, виждонан ишласангиз, қийинчилик ўз-ўзидан чекинади. Агар ходимлар билан тиллашсангиз, қийин эмас. Қайтанга ишингиз осон кечади. Жамоани бошқаришда энг катта талаб-интизом. Интизом бор жойда ўсиш бўлади.

— Агар банк ходими бўлмаганингизда, қайси касбни танлардингиз?

— Тадбиркорликни

— “Исм-хусн” дейишади.

— Исмимни дадам қўйган. Тоат-ибодат қилувчи, Аллоҳга сиғинувчи маъносини англатади. Жуда ёқимли.

— Спортга муносабатингиз?

— Аъло. Жамоамиз билан футбол мусобақалари ташкиллаштириб турамыз. Стол теннисига ҳам вақт топаман.

— Китоб ўқиб турасизми?

— Албатта. Уйимизда кичик кутубхонамиз бор. Тез-тез китоб дўконларига бориб тураман. Охириги ўқиганим Ўзбекистон Халқ шоири Тўлан Низомнинг “Ватан ҳақида қўшиқ” асари.

— Сиз ёқтирган қўшиқ?

— Озодбек Назарбековнинг “Мендирман ўша” қўшиғини қайта-қайта тинглайман, ёд бўлиб кетган (хиргойи қила кетди):

*Ватан учун кўксим тоғ қалқондир шаъним,
Уни деса шамолдай учқур саманим,
Бор бўлсам чаманимдир ўлсам кафаним,
Мангубердлик менга тақдири азал...*

Суҳбатдош: Акбаржон НАЗАРОВ.

УЗОҚ УМР КЎРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Ҳар бир одам узоқ ва бахтли ҳаёт кечиришни орзу қилади. Гарчи ким қанча яшаши номаълум бўлса-да, саломатликни сақлашга ёрдам берадиган қуйидаги қоидаларга амал қилиши зарур:

ТЎЙГУНЧА УХЛАНГ

Гап соатлаб ухлаш ҳақида кетмаяпти: уйқунинг кўпи ҳам, ками ҳам зарар. Кунига 6 соатдан кам ухласангиз, сизда бир қатор касалликлар келиб чиқиши ҳеч гап эмас: семизлик, диабет, юрак касалликлари, депрессия ва ҳоказо. Ҳар бир одам учун энг мақбули — кунига 7-8 соат ухлаш. Доимо бир вақтда ётиб, бир вақтда туришга одатланинг. Дарвоқе, тушликдан сўнг ярим соат мизғиб олиш юрак касалликлари хавфини 30 фоизга камайтиради.

ФАОЛЛИКНИ ОШИРИНГ

Спорт билан мунтазам шуғулланишга имкониятингиз бўлса — жуда соз. Борди-ю, бунинг иложи бўлмаса, залда шуғулланиш ўрнига кунига ҳеч бўлмаса ярим соат сайр қилинг. Ишга бораётганда бир-икки бекат пиёда юринг, имкон қадар лифддан фойдаланманг. Ҳатто 15 дақиқалик оддий пиёда юриш қон босими ва ёмон холестерин даражасини пасайтиришга ёрдам беради. Олимлар спорт эмоционал ҳолатни меъёрлаштириши ҳамда депрессия келиб чиқиш хавфини камайтиришини исботлаган.

НАФАС МАШҚИНИ БАЖАРИНГ

Ҳозирги шиддатли ҳаётимизда доимо стресс ҳолатида бўламиз ва ўзимизни умуман бўш қўймаймиз: ўз навбатида нафас олиш ҳам бузилади. Организм ҳужайралари кислородга тўйинмайди, бу эса турли касалликларнинг келиб чиқишига туртки бўлади. Кунига ҳеч бўлмаса 10 дақиқа нафас машқини бажариш учун вақт ажратинг. 10 дақиқа чуқур нафас олиш юрак фаолиятини ва қон босимини меъёрга келтиради. Яна одамни жуда тинчлантиради.

ФОЙДАЛИ ЁҒЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГ

Кўпгина витамин ва микроэлементлар фақат ёғлар билан сўрилади. Тухум, авокадо, зайтун ёғи, балиқнинг ёғли турлари, ёнғоқлар — буларнинг бари дастурхонингизда бўлиши шарт. Чунки улар организмни фойдали ёғларга тўйинтиради. Фастфуд ва ширинликни имкон қадар камайтиринг.

ҲАККА ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

• Ҳакканинг узунлиги 50 см, қанотлари ёйилганда, 90 сантиметрни ташкил этади.

• Ҳакка қушлар орасида кўзгу орқали ўзини таний олувчи ягона жонзот саналади. Тўғри, тўти ҳам кўзгудаги аксини танийди, аммо у ўзини тўти эмас, бошқа бир жонзот ўрнида тасаввур этади.

• Ҳакка ўрмонларда эмас, одамлар бор жойда яшаши маъқул кўради.

• Кўпинча ҳакка итларнинг суяқларини, бошқа қушларнинг инига кириб тухум ва жўжаларини ўғирлаб қочади.

• Хитойликлар ҳаккани бахт келтирувчи қуш сифатида қадрлайди. Рус халқ оғзаки ижодида эса ҳакка ғийбатчи ва сергап хотин тимсоли сифатида тасвирланади.

• Ўз болаларини ҳимоя этиш учун ҳаккалар тўда-тўда бўлиб



тунайди.

• Ҳакка ялтир-юлтир буюмларни хуш кўради. Шу сабабли қаерлардандир ялтироқ буюмларни ўғирлаб келиб инини безайди. Шу йўл билан ўзига умр йўлдош жалб этишга ҳаракат қилади.

• Ҳакка бир марта ўзи кўрган одамни минг йилдан кейин ҳам юз тузилишига қараб таний олади.

• Ҳаккани санашга ва инини махсус тозалаш асбоблари ёрдамида тозалашга ўргатиш мумкин.

• Ҳакка ўртача 12-15 йил яшайди.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета “Hamkor Press” таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н.ИУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-749 Адади: 6029

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда
келишилган
нархда.